

САНЪАТ ИЖТИМОЙ ОНГ ШАКЛИ СИФАТИДА: ТЕАТР ВА АДАБИЁТ

Гулноз Сатторова
ЎзР ФА Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори
институти катта илмий ходими
noza1969@mail.ru

ANNOTATSIYA:

Ijtimoiy ong shakllaridan biri san'at - tabiat va jamiyatda sodir bo'lgan, sodir bo'layotgan va sodir bo'ladijan voqealarni badiiy obrazlarda ifodalashdir. Moddiy olamning umumiy holati va rivojlanishini aks ettiruvchi san'at uni odamlarga yetkazishning muhim vositasi bo'lib, ularning siyosiy, axloqiy va badiiy tarbiyasi omili bo'lib xizmat qiladi. San'at voqelikda ifodalanish uslubi va xususiyatiga ko'ra tasviriy san'at, me'morchilik, adabiyot, musiqa, sirk, teatr, kino, radio va televide niye kabi turlarga bo'linadi. San'atning eng ijobiy va muhim jihat shundaki, u fandan farqli ravishda hodisa va hodisalarni tushunchalarda emas, balki sezgi va sezgilar bilan idrok etilgan shakllarda, tipik badiiy obrazlarda ifodalaydi. Ma'lumki, har bir ijtimoiy shakllanish o'ziga xos iqtisodiy va siyosiy pozitsiyada turib, san'atning rivojlanishi uchun ma'lum darajada sharoit yaratadi. Binobarin, har bir jamiyatning san'ati o'z davri ehtiyojlariga xizmat qiladi. San'at qaysi jamiyat, qaysi sinf va millatga xizmat qilishi, shu sinf va millatning iqtisodiy va siyosiy yo'liga xizmat qilsa, uning milliy xususiyati aniqlanadi. Har bir jamiyatning san'ati erkin, insonga do'stona, insonparvarlik, mehnatsevarlik va boshqa yuksak insoniy g'oyalalar asosida yaratilgan bo'lsa, bu san'at insonga do'stlik, insonparvarlik, vatanparvarlik, millatparvarlik kabi ilg'or g'oyalarni ilgari surishga xizmat qiladi.

Maqolada adabiyot va teatrning san'atning asosiy turlaridan biri ekanligi, ularning o'zaro bog'liqligi ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: san'at, adabiyot, ijtimoiy, badiiy, obraz, milliy.

АННОТАЦИЯ:

Одной из форм общественного сознания является искусство — выражение в художественных образах событий, которые произошли, происходят и произойдут в природе и обществе. Искусство, отражая общее состояние и развитие материального мира, является важным средством доведения его до людей и служит фактором их политического, нравственного и художественного воспитания. Искусство подразделяется на такие виды, как

изобразительное искусство, архитектура, литература, музыка, цирк, театр, кино, радио и телевидение, в зависимости от стиля и характера его выражения в действительности. Наиболее положительной и важной чертой искусства является то, что оно, в отличие от науки, выражает события и явления не в понятиях, а в формах, воспринимаемых органами чувств и чувств, в типичных художественных образах. Как известно, каждая общественная формация создает в определенной степени условия для развития искусства, стоя на своем определенном экономическом и политическом положении. Поэтому искусство каждого общества обслуживает потребности своего времени. В зависимости от того, какому обществу, какому классу и нации служит искусство, и если оно обслуживает экономический и политический путь этого класса и нации, определяется его национальный характер. Если искусство каждого общества создается на основе свободных, дружественных по отношению к человеку, гуманистических, трудолюбивых и других высоких человеческих идеалов, то это искусство служит продвижению передовых идей, таких как дружественность к человеку, гуманизм, патриотизм и национализм.

В статье рассматривается вопрос о том, что литература и театр являются одними из основных видов искусства, а также их взаимосвязь.

Ключевые слова: искусство, литература, социальный, художественный, образ, национальный.

ABSTRACT:

One of the forms of social consciousness is art - the expression in artistic images of events that have happened, are happening and will happen in nature and society. Art, reflecting the general state and development of the material world, is an important means of communicating it to people and serves as a factor in their political, moral and artistic education. Art is divided into such types as fine art, architecture, literature, music, circus, theater, cinema, radio and television, depending on the style and nature of its expression in reality. The most positive and important feature of art is that, unlike science, it expresses events and phenomena not in concepts, but in forms perceived by the senses and senses, in typical artistic images. As is known, each social formation creates to a certain extent the conditions for the development of art, standing on its specific economic and political position. Therefore, the art of each society serves the needs of its time. Depending on what society, what class and nation art serves, and if it serves the economic and political path of this class and nation, its national character is determined. If the art of each

society is created on the basis of free, friendly to man, humanistic, hardworking and other high human ideals, then this art serves to advance advanced ideas such as friendliness to man, humanism, patriotism and nationalism. The article examines the issue of literature and theater being two of the main types of art, as well as their interrelation.

Key words: art, literature, social, artistic, image, national.

КИРИШ

Санъат ижтимоий онг шакли сифатида объектив воқеликни акс эттиради ва айни пайтда унга таъсир қилади. Санъат ҳаётни акс эттирган ва унга шартланган ҳолда, табиий равишда ижтимоий онгнинг бошқа шакллари – сиёsat, фалсафа, ахлоқ билан ўзаро алоқада бўлади. Ўз навбатида, санъатнинг турлари ўзига хос тарзда ҳаётнинг муайян томонларини такрорлайди, воқеликка эстетик муносабатнинг муайян жиҳатларини акс эттиради.

Санъат ҳаётнинг мажозий тасвиirlарини гавдалантириш учун ўзига хос воситалар ва материалларга эга. Шунинг учун ҳам ижоднинг турли соҳаларида образ турлича очилади. Масалан, ҳайкалтарошлиқда у моддий, шаклда намоён бўлади ва рассомчиликда ҳақиқатда мавжуд бўлиб кўринади, муаллиф визуал тарзда идрок этилган ҳақиқат иллюзиясини яратади

Бадиий тасвиirlни идрок этиш инсонга маълум бўлган ҳис-туйғулар туфайли амалга оширилади, шунинг учун санъат турлари, одатда, биринчи навбатда, уларни шахс томонидан идрок этишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таснифланади. Масалан, рассомлик ва ҳайкалтарошлиқ алоҳида гуруҳ бўлса, театр ва кино алоҳида гуруҳ сифатида таснифланади – ва булаар тасвирий равишда идрок этиладиган санъат турлари сифатида қаралади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бадиий адабиётда эса визуаллик ва эшитиш идроки бўлмайди.; У тил орқали фақат тасаввур қилиш мумкин бўлган тасвиirlарни яратади. Бироқ у ижтимоий воқеликни тасвиirlашда бошқа санъат турларига қараганда кенгроқ имкониятга эга.

Бундан ташқари, адабиёт санъатнинг бошқа турлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шу билан инсоннинг онги ва ҳис-туйғуларига қўпроқ таъсир қилади, турли эстетик тажрибаларни келтириб чиқаради. Бу жиҳатдан, адабий асарларнинг иллюстрацияси, қўшиқ матнига мусиқанинг жўрлиги, театрлаштирилган саҳна кўринишлари ва ёзувчилар асарларининг фильмга мослашуви жуда характерлидир.

Ижодда турли соҳаларининг ўзаро таъсири ҳамда опера, қўшиқ ва бошқалар каби турдош жанрларнинг пайдо бўлиши одамларнинг эстетик идрокнинг тўлиқлигига, эстетик тажрибасига бўлган табиий эҳтиёжи билан боғлиқ ҳодисадир.

Адабиёт воқелик ҳодисаларини турли кўринишларда акс эттирган ҳолда замондошлар фикри, кечинмалари, уларнинг қизиқиши ва интилишларини ифодалашга интилади. Жамиятда ижодкорлар одамларнинг мавжудлиги ва онгини ижтимоий нуқтаи назардан, уларнинг ижтимоий-эстетик идеали нуқтаи назаридан акс эттиради. Маълумки барча даврларда, ҳар қандай жамиятда ҳар бир адаб ижодида ўзи мансуб бўлган ҳалқнинг маънавий қиёфасининг ўзига хос хусусиятлари, миллий характер хусусиятлари ифодаланган бўлиб, бу асарларга миллий ўзига хослик беради.

Албатта санъат- эстетик ҳодиса. «Санъат, -В.Г.Белинский таърифича, – образли тафаккурдир»¹.

Санъатнинг ҳар қандай тури ўзига хос табиати ва хусусиятларига эга. Ҳар бир турида инсон руҳияти масаласи биринчи ўринда туради. Саъат турлари доимо бир –бири билан алоқада бўлади.

Инсоният олам ҳақидаги тафаккури шаклана бошлаган даврдан унинг олам ва одам муносабати ҳақидаги қарашлари шаклана борди. Ибтидоий қарашларданоқ одам оламга муносабатини образли тарзда ифодалашга интилди. Бу ўринда биламизки, дастлабки муносабатлари тарзида Европа, Африка ва Осиёнинг бир неча қадимий ғорларда сақланиб, бизга қадар етиб келган бир қанча ибтидоий рассомлар томонидан чизилган тасвиirlар мисол бўла олади. Уларда аксар ибтидоий одамларнинг турли маҳлуқларни ов қилиши манзараларда ўзига хос одамнинг дастлабки тасвирий образлари акс эттирилгандир. Кейинчалик эса тафаккурнинг турли босқичларига кўра образлар ҳам ўзгариб борди. Дастлабки космогоник қарашлар, тотемизм, фетишизм, анимизм қарашларда оламни турлича ғайриоддий кучлар бошқариши назарда тутилгани боис тасвиirlарда ҳам инсон уларни ифодалашга интилиб келди. У бу тасвиirlар қанчалик табиий чиқса бошқаларда шунчалик кучли тассурот уйғотиши ва таъсирига тушириши учун уни мукаммаллаштириш борасида ўз маҳоратини ошира борди. Натижада тасвирий санъатнинг ривожланиши рўй бера борди. Бу жараён диннинг пайдо бўлиши даврида, айниқса, жуда жадал ривожланди. Инсониятнинг қадимги тамаддуни ўчоқларидан бири бўлмиш қадимги Миср эхромларида сақланиб қолган суръатлар шулардан дарак беради. Бундан ташқари қадимги Хитой

¹ Белинский Н.Г. Танланган асарлар. З-том. М. 1948 г. 67-бет

маданиятига оид, қолаверса ўзимизнинг юртимиз худудидан археологик қазишилар даврида топилган кўплаб идиш ва бошқа нарсаларга битилган суратлар шулардан ашёвий далилдир.

Демак, тасвирий санъат одамнинг оламга бўлган муносабатинининг тасвирий образлар воситасида ифодалаш усулидир.

Унга қўра дастлаб ҳаётий воқеалар – ов манзаралари, кейинчалик ғайритабиий мавжудодлар, илоҳлар ўз ифодасини топган бўлса, ундан сўнг пайғамбар ва ҳукмдорлар асосий тасвир объектига айланди. Кишилик жамиятининг кейинги босқичларида бош тасвир объектига оддий инсоннинг ўзи кўчди.

Асосий сезгининг иккинчиси бўлмиш эшияти орқали таъсирланишдан оламга муносабатни акс эттиришдан санъатнинг яна бир тури – мусиқа санъати юзага келди. У ҳам дастлаб табиатдаги ҳодисаларнинг товушлари, қуш ва ҳайвонларнинг овозларига тақлид сифатида пайдо бўлган бўлиб, кеинчаларик маълум бир оҳанг тизимлари аниқланиб шу орқали мустақил тарзда “композиция” қилиш билан одамнинг оламга муносабати ифодаланаши вужудга келди.

ХУЛОСА

Ижтимоий онг – ижтимоий турмушнинг инъикоси, маҳсули сифатида майдонга келади. Ижтимоий турмуш жамиятнинг моддий ҳаёти, ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар мажмуудир. Ижтимоий онг жамиятнинг сиёсий, этик, эстетик, ҳуқуқий, диний қарашлари, тасаввурлари, ғоялари, назариялари ва булар ифодалаган фалсафа, аҳлоқ, дин каби тафаккур шаклларини ўз ичига олади. Ижтимоий онг, шу жумладан, адабиёт ва санъат объектив борлиқни акс эттиради. Ижтимоий турмушдаги ўзгаришлар ижтимоий онгда ҳам ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бироқ ижтимоий онг нисбий мустақилликка эга бўлади. Бир тузумнинг емирилиши билан адабиёт ҳам емирилиб кетмайди. Чунки адабиёт ва санъат ўз қонуниятлари асосида ривожланади. Бироқ адабиёт ва санъат жамият таракқиётининг ҳар бир босқичида давр тақозоси билан ўзгача хусусиятларга эга бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

2. Андрей Тарковский: начало пути (воспоминания, интервью, лекции, статьи) - М., ВГИК, 1994, 204.С. 34
3. Абдугаппов Б. Театр. Бадий адабиёт. ТошкентУсмон Носир медия. . 2023. 336 бет.
4. Белинский Н.Г. Танланган асарлар. 3-том. М. 1948 г. 67-бет.
5. Жорж Садуль. Всеобщая история кино / перевод с французского В. А. Рязанова. — М.: «Искусство», 1958. — Т. 1. — 611 с.
6. 8. Карцева Е. Голливуд: контрасты 70-х. Кинематограф и общественная жизнь США. - М.: Искусство, 1987. - 319 с.